

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№ МД – 5А311902 – 2.01  
201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_



**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ МАШИНА ВА ЖИҲОЗЛАРИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	300000– Ишлаб чиқариш техник соҳа
Таълим соҳаси:	310000– Муҳандислик иши
Мутахассислик:	5А311902 - Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш

**ҚАРШИ – 201\_\_**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_ йил “\_\_\_” даги “\_\_\_” - сонли буйрганинг \_\_\_-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201\_\_ йил “\_\_\_” даги “\_\_\_” -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университети билан Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти ҳамкорлигида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Юлдашев Т.Р. – “Технологик машиналар ва жиҳозлар” кафедраси мудири, профессор, т.ф.н.

Эшкабилов Х.Қ. – “Технологик машиналар ва жиҳозлар” кафедраси доценти, доцент, т.ф.н.

**Тақризчилар:**

Мадатов Ф. – “Шуртanneфтгаз” МЧЖ бош технологи

Эрматов Н.Х. – “Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш” кафедраси мудири, доцент, т.ф.н.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетни Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201\_ йил “\_\_\_” даги \_\_\_ - сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ушбу дастур нефть ва газ конларини ишлатиш ва улардан фойдаланиш даврида нефть, газ ва конденсатни қазиб олиш жараёнларида қўлланиладиган машина ва жиҳозларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг турлари ва ишлаш принциплари, ҳамда уларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари каби масалаларни қамрайди. “Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозлари” фани 5А311902 – “Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш” магистратура мутахассислиги ўқув режасининг мутахассислик фанлари блокига тегишли бўлиб, нефть ва газ қудуқларидан маҳсулотларни қазиб олиш ва уларни кон шароитида тайёрлашда қўлланиладиган замонавий машина ва жиҳозларни, нефть ва газ қудуқларидан фойдаланиш даврида машина ва жиҳозлар турларини танлаш ва уларнинг узоқ муддат ишлашларини таъминлаш мақсадида мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳисоблаш ишларини амалга ошириш кўникмаларини ўргатади. Фанни ўрганиш давомида талабалар томонидан эгалланган назарий, амалий ва лаборатория машғулотлари ҳамда мустақил таълимлар бўйича ўзлаштирилган билимлар магистрлик диссертациясини бажариш давомида ҳамда бундан кейинги фанларни ўрганишда қўлланилади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларнинг нефть ва газ конларида нефть ва газни қазиб олиш ва уларни тайёрлаш жараёнларида қўлланиладиган замонавий машина ва жиҳозлар тўғрисидаги зарурий билимларни, нефть ва газ қудуқларидан самарали фойдаланишда машина ва жиҳозларнинг мақбул турларини ва ишлаш режимларини танлаш ҳамда ҳисоблаш кўникмаларини эгаллашлари кабилар ҳисобланади.

Фанни ўрганишнинг вазифалари – талабаларда нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш, машина ва жиҳозларнинг янги турларини яратишда уларнинг мустақил равища ишлай олиш қобилияти ва кўникмаларини ривожлантириш.

**Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар.** Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларифани бўйича магистратура талабаси:

- нефть ва газ конларида қўлланиладиган машина ва жиҳозлар, уларнинг турлари ва функциялари, конни ишлатиш усусларирига боғлиқ равища қўлланилиши, тармоқда фанининг аҳамияти ва роли ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*

- нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларига технологик талабларни;

- қўлланиладиган нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини;
- нефть ва газни қудуқдан чиқазиб олиш қурилмалари тизимлари ва уларнинг ишлаш принципларини;
- нефть, газ ва конденстани қазиб олиш учун жиҳозларнинг турларини;
- нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларининг конструкцияларини;
- қатlam босимини сақлаш мақсадида сув ҳайдаш жараёнидаги машина ва агрегатларни;
- нефть ва газ конларини ишлатишда қўлланиладиган замонавий машина ва жиҳозларни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- берилган тоғ-геологик шароитлари учун нефть ва газ машина ва жиҳозларини асосланган ҳолда танлаш;
- берилган технологик талаблар бўйича қудуқларни цементлаш режимлари параметрларини, машина ва қурилмалар техник параметрларини ҳисоблаш;
- нефть ва газ конлари машиналарининг кинематик, юкланишли, мустаҳкамлик ва бошқа муҳандислик-техникавий ҳисобларини назарий жиҳатдан бажариш;
- мавжуд ва лойиҳаланадиган машина ва қурилмаларнинг конструкцияларини ва техник-иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш;
- турли табиий иқлим ва тоғ-геологик шароитларида нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан самарали фойдаланиш;
- машина ва жиҳозларнинг мақбул ишлаш режимларини ҳисоблаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;й-техник ва ташкилий ечимларни танлаш ва уни асослаш учун зарурий маълумотларни тайёрлаш;
- қудуқлардан нефть ва газ қазиб олиш учун янги техника ва технологияларни қўллаш кўнималарига **эга бўлиши керак**;
- машина ва жиҳозларнинг асосий параметрларини ҳисоблаш ва танлаш методлари;
- нефть ва газ қазиб олишда нефтгаз қудуқларини ишлатиш жиҳозларидан то углеводород хом-ашёсини қайта ишлагунга қадар бўлган машиналар ва жиҳозлар конструкциялари тўғрисида билимларга эга бўлиши керак.

Магистр ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар ишлаб чиқариш корхоналари ва кадрлар буюртмачиларининг талаблари ҳамда ушбу мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий назарий ва амалий жиҳатлардан эришилган ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

«Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозлари» фани мутахассислик фанларидан бири бўлиб, мутахассислик ўқув режасига асосан фан 1-

семестрда ўқитилади. Дастанни амалга оширишда бакалвриат йўналишидан бошлаб, математик ва табиий-илмий (олий математика, физика, назарий механика, машина ва деталлари, материаллар қаршилиги), умумкасбий (термодинамика, нефт ва газни қазиб олиш техника ва технологиялари, нефть ва газ қудуқларини ишлатиш) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Республикамизда нефть ва газ қазиб чиқариш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўлларини қидириш, янги техника ва технологияларни қўллаш, конларни ишлатишнинг самарали йўлларини жорий этиш, қатlam босимини сақлаш, қолдиқ нефть конденсат махсулотларини қазиб олишнинг арzon ва самарали технологияларини қўллаш кабилар орқали халқ xўжалиги учун кўпроқ микдордаги махсулот етказиб бериш бугунги кунда мутахассисларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. “Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозлари” фани асосий мутахассислик фанлари қаторида ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғинидир.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабалар “Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозлари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усусларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, ўқув услубий мажмуалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стенdlар ҳамда ишлаб чиқаришдаги намуналар ва макетлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-мавзу. Нефть ва газ қазиб олиш учун машиналар ва жиҳозлар комплекси**

Фаннинг мақсади ва вазифалари. Нефть ва газ қазиб олиш машина ва жиҳозлар такомиллашуви тарихи, ҳозирги ҳолати. Нефть ва газ қазиб олиш технологиялари ва жиҳозларининг ўзаро боғланганлиги. Машина ва жиҳозлар комплекси функциональ схемаси. Аҳамиятига кўра жиҳозларнинг таснифи. Кон жиҳозлари ишлаш шароитлари. Жиҳозларнинг блок-комплект тайёрланиши. Жиҳозлар хизмат муддатларининг уларнинг ишлаш шароити ва танланиш усулларига боғлиқлиги.

Қудуқларнинг турлари. Нефть, газ, ҳайдовчи ва технологик қудуқлар. Улардан фойдаланиш шароитлари. Умумий аҳамиятга эга бўлган жиҳозлар. Бурғилаб тугатилган қудуқ стволи жиҳозлари. Қудуқ конструкцияси, унинг элементлари ва уларнинг фойдаланиладиган жиҳозларни танлашга таъсири. Ўрнатилган колонналар ва уларнинг элементларининг аҳамияти ва тавсифномалари. Колонналар каллаги ва уларни танлаш. Нефтгаз ва ҳайдовчи қудуқлар колонналар каллаги.

Насос компрессор қувурлари (НКҚ) ва уларнинг қўлланилиши. Фаввора ва газлифт кўтаргичларнинг насос компрессор қувурлари. Мустаҳкамлаш ва бурғилаш қувурлари. Нефт конлари коммуникациялари учун қувурлар. Насос компрессор қувурлардан фойдаланиш шартлари. Турли шароитларда НКҚларни танлаш ва фойдаланишда ҳисоблашлар. Мураккаб қудуқлар учун НКҚлар. Қопламали НКҚларини танлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қудуқда НКҚга тушадиган юкланишларни ҳисоблаш ва эгилган қувурлар ҳисобининг жиҳатлари.

Қудуқ ички жиҳозлари. Қудуқда қўлланиладиган зичлагичлар, уларнинг вазифалари ва таснифи. Якорь ва зичлагичларнинг конструктив жиҳатлари, уларни танлашда ҳисоблаш ишлари. Клапанлар ва бошқа турдаги қудуқ ички жиҳозлари, уларни танлаш ва ростлаш ишлари. Хвостовикларни йиғиш ва ташлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Нефть ва газ қазиб олиш саноатида ўлчаш қурилмаларидан фойдаланиш. Ишлатиш қудуқларида қўлланиладиган ўлчаш қурилмалари. Принципиональ конструктив ўлчаш қурилмалари. Қудуқ шароитлари, аппаратларнинг конструктив жиҳатлари ва ўлчаш аниқликларининг ўзаро боғлиқликлари. Ўлчаш воситалари ва тизимлари. Ҳарорат ва босимни ўлчаш асбоблари. Моддалар сарфини ва миқдорини ўлчаш. Сатҳ ўлчаш асбоблари. Моддалар таркиби ва физик ҳоссаларини аниқлаш учун воситалар. Электромеханик аналог ўлчаш воситалари. Ўлчаш натижаларига ишлов берининг тамойиллари.

#### **2-мавзу. Қудуқларни фаввора усулида ишлатиш учун жиҳозлар**

Фаввора қудуқлари жиҳозлари. Қудуқ усти жиҳозлари. Фаввора арматурасининг асосий турлари, конструкциялари ва стандарт бўйича параметрлари. Фаввора арматураси элементлари, уларнинг вазифалари, танлаш тамойиллари ва фойдаланишда ҳисоблашлар. Қулфлаш ва ростловчи

мосламаларини ва фланецли бирикмаларни ҳисоблашлар. Ишлатиш ва ҳайдовчи қудукларни бир вактда ва алоҳида фойдаланиш учун жиҳозлар. Фаввора арматурасини ўрнатиш ва унга хизмат кўрсатиш ишлари, монифольдлар. Қўлланилиши, ишлаш шароити, ўрнатилган талаблар, таснифи, принципиаль схемалари ва конструкциялари. Запор ва ростловчи қурилмалар, уларнинг принципиаль схемалари ва конструкциялари. Фланецли бирикмалар. Қудук ички жиҳозлари. Очик фаввора бўлишини олдини олишда қўлланиладиган отқинга қарши комплекслар.

### **3-мавзу. Қудукларни газлифт усулида ишлатиш учун жиҳозлар**

Қудукларни газлифт усулида ишлатишда кон жиҳозлари таркиби. Қудук ер ости ва ер усти жиҳозларининг жойлашуви принципиаль схемаси. Компрессорларнинг асосий турлари ва параметрлари. Компрессор станцияси жиҳозлари. Ишга туширувчи ва ишчи клапанларни ўрнатиш ва ажратиб оиш учун замонавий жиҳозлар. Газлифт клапанлари ишлаш принциплари ва конструкциялари. Қудук камералари. Газлифт жиҳозларини ишлатишда техника ҳавфсизлиги қоидалари.

Компрессорлар. Компрессорлар классификацияси. Қўзғалмас ва кўчма компрессор агрегатларини жойлаштириш ва ўрнатиш. Кон компрессор станциялари технологик схемалари. Поршенли компрессорлар, уларни ишлатиш ва параметрларини ростлаш усуллари. Газомотокомпрессорлар, қўлланилиши, ишлаш принципи, асосий техник кўрсаткичлари. Эркин поршенли дизель-компрессорлар. Марказдан қочма ва винтли компрессорлар. Марказдан қочма компрессорлар ишлаш принциплари ва қўлланилиши соҳалари. Техник тавсифномалари. Марказдан қочма компрессорларни ҳисоблашнинг назарий асослари. Винтли компрессорлар, уларнинг турлари, конструкциялари, техник тавсифномалари, қўлланилиши соҳалари.

### **4-мавзу. Нефть қудукларини ишлатишда қўлланиладиган насосларнинг жиҳозлари**

Нефт қудукларини штангали чуқурлик насослари ёрдамида ишлатиш. Штангали чуқурлик насосли қурилма, унинг таркиби ва принципиаль схемаси. Унинг жиҳатлари ва кўрсаткичлари. Қудук насослари таснифи, схемалари ва конструктив жиҳатлари. Тебратма дастгох. Балансирли, балансирсиз, кўшма ва занжирли тебратма дастгохлар. Штангали чуқурлик насослари, қўлланилиши соҳалари ва ҳаракатдаги стандартлар бўйича таснифлари. Турлари ва иш самарадорликлари. Штангали насослар асосий узеллари ва деталлари, уларнинг конструкциялари, тайёрлаш учун материаллар. Иккита қатламдан нефть қазиб олиш учун штангали насослар, уларнинг турлари ва конструкциялари. Насосларнинг узатиши, узатиш тушунчаси, узатишга таъсир этувчи омиллар ва узатиш коэффициентини ошириш йўллари. Сақлаш клапанларининг вазифалари ва турлари. Поршенли насослар ишлаши ва қуввати.

Насос штангалари ва насос компрессор кувурлари. Насос штангалари вазифаси, конструкцияси ва ўлчамлари. Штанга ва муфталарнинг стандарт

бўйича шартли белгиланишлари. Штангаларнинг маркаланиши, ишлаш шароитлари. Штангалардаги асосий ейилиш ва шикастланишлар. Штангаларни ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг узоқ муддат ишлашини таъминлаш усуллари. Штангалардан фойдаланиш қоидалари. Насос штангаларини танлаш бўйича ҳисоблашлар. НКҚ вазифаси, турлари ва ўлчамлари. НКҚ конструкциялари, уларни тайёрлаш учун материаллар ва мустахкамлик гурухлари. НКҚ резьбалари тўғрисида асосий маълумотлар. Қувур ва муфталарнинг маркаланиши. Қудуқда қувурнинг ишлаш шароитлари. НКҚ колоннасини ҳисоблаш ва танлаш. Қувурга қўйилган техник талаблар.

Қудуқ штангали насослари юритмалари. Балансирли тебратма дастгохлар. Стандартларга кўра шартли белгиланишлари ва техник параметрлари. Балансирли юритма конструкцияси ва унинг узеллари. Штангани осиш нуқтасида балансир каллагига таъсир этувчи юкланишлар. Тебратма дастгохни турғунлаштириш мақсади ва усуллари. Тебратма дастгохни турғунлаштириш ҳисоби. Шатунга таъсир этувчи кучланишлар ва уларни аниқлаш. Тангенциаль кучланишлар, юритма қувватини аниқлаш. Штангали насос қурилма ФИК ва уни ошириш йўллари. Балансирсиз тебратма дастгох турлари ва конструкциялари. Гидравлик юритмалар. Юритмани ва унинг ишлаш режимини танлаш. Тебратма дастгохни ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш. Штангали винтли насослар юритмалари.

Қудуқларни электр марказдан қочма насосли қурилмалар ёрдамида ишлатиш жиҳозлари. Электр марказдан қочма насосли қурилмалар (ЭМҚН). ЭМҚН қурилма принципиаль схемаси. Қурилманинг жамламалари ва ишлаш принциплари. Гидрохимоянинг вазифаси, конструкцияси ва ишлаш принципи. Кабелларнинг конструкциялари ва параметрлари. Автотрансформатор ва бошқарув станцияси вазифаси. Қурилмани қудуқга ўрнатиш, кўтариб-тушириш операциялари. ЭМҚНларнинг ШЧН ларга нисбатан афзалликлари.

Винтли, гидропоршенли ва бошқа турдаги штангасиз қурилмалар. Винтли, гидропоршенли ва диафрагмали насосли қурилмалар. Жиҳозлар жойлашуви принципиаль схемаси, ишаш принципи ва насослар конструкциялари. Қўлланиладиган двигателлар конструкциялари, ишлаш принциплари ва уларни ҳимоялаш. Қурилмаларнинг техник параметрлар ва қўлланилиши соҳалари.

Бир қудуқда бир неча горизонтни ишлатиш учун жиҳозлар. Қатламларни бир вақтда алоҳида ишлатиш усуллари таснифи. Қатламларни алоҳида ишлатишида қудуқда жиҳозлар жойлашуви схемаси ва жиҳозлар таркиби. Гидравлик поршенли насослар ёрдамида нефтни алоҳида қазиб олиш ва сувни алоҳида ҳайдовчи жиҳозларнинг схемаси. Бир қудуқ орқали бир нечта горизонтларни ишлатиш жиҳозлари ва унинг ҳисоби.

## **5-мавзу. Қудукларда тадқиқот олиб бориш жиҳозлари**

Конларда тадқиқот олиб бориш учун қурилмалар. Дистанцион ва маҳаллий ўлчашлар учун асбоблар жамламаси. Назорат-ўлчов асбоблари таснифи. Замонавий асбоблар ва ўлчаш техникалари. Бир ўрамли пружинали ва чуқурлик манометрлари. Биметалл термометрлар. Суюқлик термометрлари. Ўзгарувчан фарқли сарф ўлчагичлар. Диффманометрлар. Тахометрик сарф ўлчагичлар. Намуна олгичлар. Геофизик ва гидродинамик тадқиқотларни олиб бориш мақсадалари, қўлланиладиган жиҳозлар ва олиб борилган ишларни баҳолаш.

## **6-мавзу. Қудукда таъмир ишларини бажариш учун жиҳозлар**

Қудукларни таъмирлаш турлари ва таъмирлашда қўлланиладиган жиҳозлар. Уларнинг таснифи. Кўтаргичлар, уларнинг конструкцияси ва кинематик схемалари. Таль тизими ва унинг ФИК. Берилган қудук учун кўтаргич ҳисоби ва унинг турини танлаш. Миноралар ва мачталар. Уларнинг турлари. Таъсир этувчи юкланишлар ва уларнинг ҳисоби. Қўлланиладиган агрегатлар турлар, конструкциялари ва уларни танлаш жиҳатлари. КТО учун механизмлар ва мосламалар. Қудук таъмирлаш учун агрегатлар. турлари, конструкциялари ва уларни танлаш ҳисблари. Автоматик калитлар конструкциялари ва уларни танлашдаги ҳисблар. Вертлюглар, насослар, роторлар ва уларнинг конструкциялари. Қудукдаги мушкулотларни бартараф этиш учун асбоблар. Махсус мақсадда қўлланиладиган бурғилар. Узун кабелларни қудукдан тортиб олиш. Тутувчи асбоблар. Металл буюмларни қудукдан чиқазиб олиш учун жиҳозлар ва асбоблар.

## **7-мавзу. Қатламнинг нефтгаз бераолувчанигини ошириш ва нефтгаз қазиб олишни жадаллаштиришда қўлланиладиган жиҳозлар**

Махсулдор қатламга таъсир этиш жараёнларини амалга ошириш учун жиҳозлар. Қатламга ва қудук забой олди зонасиги таъсир этиш усуллари. Жиҳозлар турлари ва уларнинг таснифи. Қатламларга сув билан таъсир қилиш ва қўлланиладиган жиҳозлар. Сув тозалаш жиҳозлари. Қатламларни буғ-иссиқлик ишлов бериш жиҳозлари. Қатламни гидроёриш гидроперфорациялашда қўлланиладиган жиҳозлар ва уларнинг таркиби. Насос ва қум аралаштириш агрегатлари, параметрлари, юритмалари, узеллари конструкциялари. Жиҳозларнинг таркиби ва цистерналар турлари. Ер усти жиҳозлари. Қудук забойини кислота билан ишлов бериш жиҳозлари. Кислотлаларни босим остида ҳайдаш учун цистерналар агрегатлари ва уларни кон бўйлаб ҳаракатлантириш машиналари. Кислота насослари конструкциялари ва параметрлари. Қудук забойини ювиш учун жиҳозлар. Қатлам забойини ишлов беришда ҳисблашлар. Қатламни ишлов беришда техника ҳавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси.

## **8-мавзу. Қазиб олинаётган маҳсулотларни тайёрлаш ва ташиш учун жиҳозлар**

Нефтни кон шароитида йиғиш ва тайёрлаш учун жиҳозлар. Блокли автоматлашган ўлчаш қурилмалари. Нефтгаз сепараторлари ва уларнинг нормаль қатори. Қудук маҳсулотни йиғиш тизими умумий

схемаси. Қўзғалувчан ўлчаш қурилмалари. Нефть ва газни биргаликда тайёрлаш учун жиҳозлар. Электр тузсизлантириш қурилмаси. Турғунлаштириш қурилмалари. Сепарацион блокли қурилма. Сувни дастлаб ажратиш қурилмалари. Суюқликларни конлараро ҳайдаш ва газни сиқиб ҳайдаш жиҳозлари. Нефтдан сувни ажратиб олиш қурилмалари ва уларнинг турлари. Нефть тайёрлаш тизими ва нефть тайёрлаш қурилмалари. Резервуарлар саройи жиҳозлари. Технологик ва товар резервуарларда нефть тиндириш. Нефть тиндиргичлар. Нефть сақлаш идишлари. Резервуарлар ва уларнинг турлари.

Нефть, газ ва конденстани тайёрлаш ва ташиш учун жиҳозлар. Босим остида ишлайдиган идишлар. Асосий талаблар, материаллари ва мустахкамлик заҳиралари. Босим остида ишлайдиган идишлар ишлаш шароитини ҳисобга олиш. Босим остида ишлайдиган идишлар ва иссиқлик алмашиниш аппаратлари ҳисоби. Идишлар туби, қопқоғи ва ўтиш диаметрлари конструкциялари ва ҳисоби.

Газ ҳароратини пасайтириш учун жиҳозлар ва уларнинг тузилиши. Жиҳозларни танлаш услубиёти. Совутиш қурилмалари ва уларни танлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Газ ва конденсатни ташишга тайёрлаш учун жиҳозлар. Газ ва конденсатни тайёрлаш қурилмаси (ГКТҚ). Паст ҳароратли сепарациялаш ва абсорбциялаш типик технологик схемалари. Технологик қурилмаларнинг асосий элементлари, сепараторлар, абсорберлар, дросселлар, сиқув компрессор станциялари, совутивчи жиҳозлар, иссиқлик алмашиниш аппаратлари, турбодетандерлар, ажратгичлар. Газни қуритиш учун ва гидратлар ҳосилбўлишига қарши абсорбентларни регенерациялаш қурилмалари, жиҳозлар таснифи ва уларни ҳисоблаш услубиёти. Газ ва конденстани ташиш ва узатиш учун қувурлар. Қувурларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда ҳисоблашлар. Қулфли мосламалар ва уларнинг ҳисоби.

#### **IV. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Талаба амалий машғулотларда мисол ва масалаларни ечади. Амалий машғулотларда ечиладиган мисол ва масалалар қуйидаги принципларга асосан танланади: намунавий мисол ва масалаларни ечишга малака ҳосил қилувчи, фанинг моҳиятини англатувчи ва мавзулар орасидаги боғлиқликни ифодаловчи маълум миқдордаги мисол ва масалалар танланади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозлари таснифи ва ишлаш шароитларини ўрганиш.
2. Қудук конструкцияси, унинг элементлари ва ишлатиш қудуқларида қўлланиладиган жиҳозлар ва уларнинг элементларини ўрганиш.
3. Турли шароитларда НКҚларни танлаш ва фойдаланишга доир ҳисоблашлар.

4. Қулфлаш ва ростловчи мосламаларини, фланецли бирикмаларни ҳисоблашга доир мисол ва масалалар.

5. Газлифт клапанлари ишлаш принциплари ва конструкцияларини ўрганиш.

6. Компрессорларнинг сиқиши босқичлари бўйича асосий параметрларни ҳимоблаш.

7. Штангали чуқурлик насосларининг технологик режимларини ҳисоблаш.

8. Насос штангаларини танлаш бўйича ҳисоблашлар.

9. НКҚ колоннасини ҳисоблаш ва танлаш.

10. Штангани осиш нуқтасида балансир каллагига таъсир этувчи юкланишларни ҳисоблашга доир мисоллар.

11. Электр марказдан қочма насосли қурилманинг жамламалари ва ишлаш принципларини ўрганиш.

12. Бир қудук орқали бир нечта горизонтларни ишлатиш жиҳозларининг қўлланилиши ва унинг ҳисобига доир мисоллар.

13. Монометрлар, термометрлар ва сарф ўлчагичларининг тузилиши ва ишлаш принципларини ўрганиш.

14. Кудуқни таъмирлашда кўтаргич ҳисоби ва унинг турини танлаш.

15. Кудуқ таъмирлаш учун агрегатлар. турлари, конструкцияларини ўрганиш ва уларни танлаш ҳисоблари.

16. Маҳсулдор қатламга таъсир этиш жараёнларини амалга ошириш учун жиҳозларнинг қўлланилишигадоир мисол ва масалалар.

17. Нефтгаз сепараторларини ҳисоблашга доир мисоллар.

18. Қудуқ маҳсулотини йиғиши ва тайёрлаш тизимининг асосий параметрларини ҳисоблаш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор - ўқитувчиларн томонидан қўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўнималарини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

## **V. Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича қўрсатмалар**

Лаборатория ишларида талаба нефтгаз конларида қўлланиладиган машиналар ва жиҳозларни амалий ва лаборатория шароитларида уларнинг конструкцияларини ва ишлаш принципларини ўрганиш орқали уларнинг мустаҳкамлик шартларини ва мақбул ишлаш қўрсаткичлари параметрларини ҳисоблаш ва танлаш кабилар орқали улардан фойдаланиш қўнималарига эга бўладилар.

Лаборатория ишларини бажариш учун қуйидаги тахминий мавзулар тавсия этилади:

1. Қудуқларни фаввора усулида ишлатишда жиҳозлар ҳисоби. Фаввора арматураси бирималариға таъсир этувчи кучланишларни ҳисоблаш. Насос компрессор қувури ҳисоби ва уни танлаш. Штуцер диаметрини аниқлаш.
2. Поршенли компрессорлар ишлаш принципини ўрганиш, босқичмабосқич газни сиқишида компрессор ишчи параметрларини ва унинг қувватини аниқлаш.
3. Штангали чуқурлик насослари жиҳозларини ҳисоблаш. Насос ишлаш режимлари параметрларини аниқлаш ва ШЧНҚни танлаш. ШЧНҚ узатишини аниқлаш ва иш самарадорлигини ҳисоблаш. Балансир каллагига тушадиган юкланишни аниқлаш. Штангали насос плунжери юриш йўлини аниқлаш.
4. Электр марказдан қочма насосли қурилма параметрларини ҳисоблаш. Насосни тушириш чуқурлигини аниқлаш. ЭМҚН параметрларини аниқлаш, кабель ва трансформатор танлаш.
5. Минораларга таъсир этувчи юкланишлар ҳисоби. Қудуқларни таъмирлашда ҳисоблашлар.
6. Қатламга таъсир этиш усулини танлаш ва суюқлик хайдаш параметрларини ҳисоблаш.
7. Нефть маҳсулотларини йиғиш ва тайёрлаш учун жиҳозларни ҳисоблаш ва турини танлаш.
8. Босим остида ишлайдиган жиҳозларни ҳисоблаш. Идиш туби, қопқоғи ва ўтиш диаметрлари ҳисоби.
9. Иссиқлик алмашиниш аппаратларини ҳисоблаш.
10. Конлараро қувурларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишга доир ҳисоблашлар.

## **VI. Курс ишини ташкил этиш бўйича услугий кўрсатмалар**

Курс ишининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўнималар ҳосил қилиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий машина ва жиҳозларни қўллаш кўнималарини ҳосил қилишdir.

Курс ишининг мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларига боғлиқ ҳолда, аниқ бир кон шароити учун белгиланади. Курс ишининг мавзулари умумий талабалар сонидан 20-30% кўпроқ олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талабага шахсий топшириқ берилади.

Курс иши обьекти сифатида нефть ва газ конларидан фойдаланиш давомида қўлланиладиган машина ва жиҳозларнинг кон шароитига боғлиқ равиша турларини танлаш, уларнинг мустаҳкамликлари ва узоқ муддат бузилмасдан ишлашларини таъминлаш ва жиҳозларни берилган шароитларда мақбул режимларда ишлатиш орқали уларнинг ишлаш самарадорликларини ошириш каби масалалар хизмат қиласди.

*Курс иши бўйича тавсия этилган мавзулар рўйхати:*

1. Фаввора қудуғи жиҳозлари ва уларни ташкил этувчи элементларнинг мустаҳкамлик ҳисоблари.

2. Газлифт қудуғи ер ости ва усти жиҳозлари ва берилган шароитларда уларнинг турларини танлаш, қудуқни ишлатишни ташкил этиш.
3. Штангали чуқурлик насослари ер ости жиҳозлари ва уларнинг мустаҳкамликларини таъминлаш усуллари.
4. Штангали чуқурлик насослари ер усти жиҳозлари ва берилган шароитларда уларнинг мақбул турларини танлаш.
5. Капитал таъмирда ишлатиладиган жиҳозларни лойиҳалаштириш.
6. Насос компрессор қувури ва насос штангасини кўтариб тушириш жараёнида минора ва мачтанинг технологик параметрларини аниқлаш.
7. Қудуқларни гидродинамик тадқиқот қилишда замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланиш ва олинган натижаларга ишлов бериш.
8. Қудук тубига кислотали ишлов бериш жиҳозлари ва ишлов беришни ташкил этиш.
9. Электр сувсизлантириш ва тузсизлантириш қурилмаси ҳисоби..
10. Нефть тайёрлаш қурилмасида товар нефть тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг технологик усуллари.

## **VII. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талабалар мустақил ишини бажаришининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- вертуал иш, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола , анжуманга маъruzza тайёрлаш ва х.к.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор – ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар, масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда маъruzalар бўйича амалий масала ва мисоллар ечиш услуби ва мустақил ечиш учун масалалар ва топшириқлар руйхати келтирилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари.

1. Нефть ва газ қазиб чиқариш корхоналари асосий машина ва жиҳозлари.
2. Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларининг ишлаш шароитлари.
3. Қудуқда НКҶга тушадиган юкланишларни ҳисоблаш ва эгилган кувурлар ҳисобининг жиҳатлари.
4. Нефть ва газнинг таркиби ва физик ҳоссаларини аниқлаш учун асбоблар.
5. Фаввора арматурасининг асосий турлари, конструкциялари ва стандарт бўйича параметрлари.

6. Очиқ фаввора бўлишини олдини олишда қўлланиладиган отқинга қарши комплекслар.
7. Газлифт жиҳозларини ишлатишда техника ҳавфсизлиги қоидалари.
8. Марказдан қочма компрессорлар ишлаш принциплари ва қўлланилиши соҳалари.
9. Балансирли, балансирсиз, қўшма ва занжирли тебратма дастгохлар.
10. Поршенли насослар ишлаши ва қуввати.
11. Штангаларни ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг узок муддат ишлашини таъминлаш усуллари.
12. Бурғилаш колонналари, унинг элементлари ва уларнинг аҳамияти.
13. Пакерлар, уларнинг аҳамияти ва қўлланилиши.
14. Бурғилаш, мустаҳкамлаш, насос-компрессор кувурлари ва уларнинг бириктирувчи элементлари. Насос штангалари.
15. Тутиш асбоблари.
16. Кўтариш-тушириш операциялари учун асбоблар.
17. Газомотокомпрессорлар, қўлланилиши, ишлаш принципи, асосий техник кўрсаткичлари.
18. Насос штангаларини тушириш ва кўтариш.
19. Иккита қатламдан нефть қазиб олиш учун штангали насослар.
20. Штанга ва муфталарнинг стандарт бўйича шартли белгиланишлари.
21. Газлифт клапанлари билан жиҳозланган қудуқлар элементлари.
22. Тебратма дастгохни турғунлаштириш мақсади ва усуллари.
23. КТО учун механизмлар ва мосламалар.
24. Қатламларга сув билан таъсир қилиш ва қўлланиладиган жиҳозлар.
25. Қатламни ишлов беришда техника ҳавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси.
26. Технологик ва товар резервуарларда нефть тиндириш.
27. Советиш қурилмалари ва уларни танлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
27. Штангали винтли насослар юритмалари.
28. ЭМКҲларнинг ШЧН ларга нисбатан афзалликлари.
29. Винтли, гидропоршенли ва диафрагмали насосли қурилмалар.
30. Бир қудук орқали бир нечта горизонтларни ишлатиш жиҳозлари.
31. Дистанцион ва маҳаллий ўлчашлар учун асбоблар жамламаси.
32. Геофизик ва гидродинамик тадқиқотларни олиб бориши мақсадалари ва қўлланиладиган жиҳозлар.
33. Таль тизими ва унинг ФИК.
34. Қудук таъмирлаш учун агрегатлар. турлари, конструкциялари ва уларни танлаш.
35. Узун кабелларни қудуқдан тортиб олиш.
36. Қатламларга сув билан таъсир қилиш ва қўлланиладиган жиҳозлар.
37. Блокли автоматлашган ўлчаш қурилмалари.
38. Нефть ва газни биргаликда тайёрлаш учун жиҳозлар.
39. Резервуарлар ва уларнинг турлари.
40. Босим остида ишлайдиган идишлар ишлаш шароитлари.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Макушкин, Д. О. «Расчет и конструирование машин и оборудования для нефтяных и газовых промыслов» учебноепособие, 2-е изд. – Красноярск: ИПК СФУ, 2009. -155 с.
2. Макушкин, Д. О. Расчет и конструирование машин и оборудования для нефтьяних и газовихпромислов: метод.указания к практическим занятиям–Красноярск: ИПК СФУ, 2009. -80 с.
3. Акрамов Б.Ш., Тўраев. Б . М. Нефть ва газ конлари машина ва механизмлари.–Т.: 2008.
4. Макаров Е.Г. Инженерниерасчети в Mashad. – М.: Питер, 2005.-448 с.
5. Акрамов Б.Ш., Ҳайитов О.Ғ. Конларнинг машина механизмлари. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 2004. -111 б.
- 6.Юлдашев Т.Р, Эшкабилов Х.Қ. Нефть ва газ конлари машина ва механизмлари. Қарши, Қашқадарё кўзгуси ОАВ нашриёти, 2015. -327 б.

### **Қўшимча адабиётлар**

7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.
- 8.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь.–Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. - 48б.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
10. Ўзбекистон Республкасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони.

### **Internet saytlari**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
3. [www.oilandgas.com](http://www.oilandgas.com).
4. [www.oilandgaslibrary.com](http://www.oilandgaslibrary.com).

